



# Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

2010 йил 7 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

XXI аср сандоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (11.627)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов 6 апрель куни Оқсаройда  
АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги  
қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги бугунги муносабатлар мустаҳкам ва барқарор эканини, ушбу муносабатларни истиқболда конструктив ва тенглик асосида янада ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда, бу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат таъминотида амалий ёрдам кўрсатмоқда, транспорт инфратузилмасини барпо этиш ва йўлга қўйишда иштирок этмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Дэвид Петреус самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН — ВЬЕТНАМ БИЗНЕС-ФОРУМИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида  
6 апрель куни Ўзбекистон ва Вьетнам ишбилармон  
доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Вьетнамнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология, ахборот технологиялари, логистика соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон иқтисодиёт вазири С.Бекенов, Вьетнам Бош вазирининг ўринбосари Хоанг Чунг Хай мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар изчил тараққий этаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Вьетнамлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, "Навобий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган имкониятлар билан танишдилар.

Чой, қахва ва гуруч каби истеъмол товарлари етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринда турадиган Вьетнам Ўзбекистоннинг Осий-Тинч океани минтақасидаги ишончли ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар иқтисодиёт, савдо, сармоя, фан-таълим, маданият, авиаташув ва сайёҳлик каби соҳаларга оид давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги қўллаб-қувватларга асосланган.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг қўлайлик яра-

тиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Юртимизда вьетнамлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган ўн та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар савдо, озиқ-овқат ва ипачилик соҳаларига ихтисослашган.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан жуда мамнунмиз, — деди Хоанг Чунг Хай. — Ушбу форумда Вьетнамнинг қўллаб-қувватлаш компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Анжуманда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, ёқилғи энергетика, банк-молия, машинасозлик, тоғ-кон металлургияси ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Вьетнам компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Вьетнам ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тўтиши алоҳида таъкидланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Вьетнам ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Вьетнам делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб бордилар.

**Мадина УМАРОВА,  
ЎЗА мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Жадал давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни чет эллик сармоядорларнинг мамлакатимизга қизиқишини тобора оширмоқда. «Сувмаш» очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ҳамкорлигини амалдаги самараларидандир.**

СУРАТДА: моҳир ишчи Гулзода Ҳайдарова  
Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

## ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Асосий вазирамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш" маърузасида белгиланган вазирларнинг кенгайтириш ва идораларда бажарилиши, тармоқда инвестициявий лойиҳалар, ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш, модернизация қилиш, экспорт маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини қўлайлаштириш, инновацион лойиҳаларнинг ижроси, янги технологияларни яратиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар томонидан жами 616,4 миллиард сўмлик маъсулот ишлаб чиқарилди, хизматлар кўрсатилди ва бу борадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,4 фоизни ташкил этди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат-

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш,  
ижтимоий муҳофизат, ахборот тизимлари  
ва телекоммуникациялар масалалари  
комплексининг 2010 йилнинг биринчи  
чорагида ижтимоий-иқтисодий  
ривожланиш якунларига бағишланган  
йиғилиши бўлиб ўтди.**

лар 286,9 миллиард сўмни ташкил этди. 48 миллион АҚШ долларилек хориж инвестицияси жалб қилиниб, инвестиция дастури орғи билан бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари 124,2 фоиздан ошди.

Йиғилишда, шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазирларнинг ижроси, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, дастур доирасида олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган қурилиш, реконструкция ишларининг бориши, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ва уларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини намойиш этиши учун шарт-шароит яратиш, уларни турли ёт го ва маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар борасида амалга

оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Вазирлик ва идораларда, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, яратилаётган ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва электрон ҳужжат алмасуви жорий этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ҳодимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ҳамда қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

## ЖАҲОНДА

● Кеча Буюк Британия Бош вазири Гордон Браун мамлакатда навбатдаги парламент сайловлари 6 май куни ўтказилишини эълон қилди. Шундан олдин ҳукумат раҳбари Букингем саройида бўлиб, қиролича Елизавета II га парламентни тарқатиб юбориш тўғрисида муурожаат қилди.

● Ҳиндистонлик шифокорлар мамлакатнинг Бихар штатида қорин қисми туташ ҳолда дунёга келган сиам эгизак қизалоқларини жарроҳлик йўли билан ажратиш амалиётини муваффақиятли ўтказишди. Таъкидлаш кераки, мазкур мураккаб жарроҳлик амалиёти 13 соат давом этиб, унда 28 нафар малакали шифокор қатнашган. Айни пайтда эгизакларнинг соғлиги яхши.

● АҚШнинг Фарбий Виржиния штатидаги кўмир қонида портлаш содир бўлиши оқибатида 12 ишчи ҳаётдан қўз юмган, 10 нафар кончи эса бедарак йўқолган. Қутқарув гуруҳи раҳбарининг таъкидлашича, ер остида қолиб кетган кончилар учун тўрт кунга етадиган озиқ-овқат захираси бор. Ҳозирча портлаш сабаблари аниқланмаган.

● Кеча Индонезиянинг Суматра оролида Рихтер шкаласи бўйича 7,2 балли зилзила содир бўлди. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Кеча ер қуррасида кейинги бир ярим йил ичида энг кучли магнит бўрони юз берди. Бунда Куёшнинг фаоллиги жуда паст бўлганлиги қайд этилди. Ҳозирча олимлар ушбу кучли магнит бўронининг космик анжомлар ишига қанчалик таъсир кўрсатганлиги ҳақида аниқ тўхтама қелишмади.

● Жаҳоннинг етакчи хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефть нархининг қимматлашганлиги қайд этилди. Жумладан, Нью-Йоркдаги «NYMEX» аукционидан ўтказилган сўнги савдолар чоғида «қора олтин»нинг бир баррели 86,83 долларга сотилган. Таъкидлаш кераки, охириги 18 ой мобайнида нефть нархида бундай қўтарилиш кузатилмаган.

## ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташаббуси билан Бутунжаҳон саломатлик

кунига бағишлаб «Болалар овқатланиш услуби, парҳез таомлар аҳамияти» мавзусида илмий-амалий конференция ва стендли кўргазмалар кўрик-танлово уюштирилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 271-мактабда Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўқувчиларни янги дарсликлар билан таъминлаш масаласига бағишлаб ўтказилган семинарда шахримиз мактаб ўқитувчилари иштирок этди.

✓ **ЎЗБЕК-япон** марказида қоғоздан турли шакллар ясаш бўйича ёшлар иштирокида «Оригами» кўрик-танлови ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида боллар спортини изчил ривожлантириш масаласига доимо алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, боллар спортини объектлари учун зарур спорт инвентарларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришга янада кенгайтиришга катта эътибор қаратишмоқда. Ҳозир 113 хилдаги спорт жиҳозлари юртимизда ишлаб чиқарилаётган. Жумладан, боллар учун сифатли спорт инвентарлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тасвия этилаётган энг қўлай ва мақбул жиҳозлар каталог яратилди.

Бугун юртимиздаги бир қатор корхоналар халқаро талабларга мос спорт инвентарлари ишлаб чиқармоқда. Самарқанддаги «Stekloplastik» ОАЖ, Намангандаги «Машжим» МЧЖ, Тошкент шаҳридаги «Азия спорт С» хусусий фирмаси ва «Телеметрик» МЧЖ, Андижондаги «Ўжабод» МЧЖ корхоналари шулар жумласидандир.

Пойтахтимиздаги «Азия спорт С» хусусий фирмасида гимнастика, бокс, бадминтон, шахмат, шашка сингари кўплаб спорт турлари учун зарур инвентарлар ишлаб чиқарилади. Йигирма беш кишилик доимий ишчисига эга ушбу корхона ўтган йили Ўзбекистон Боллар спортини ривожлантириш жағмага тендери асосида пойтахтимиз, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги таълим муассасаларига 3545 стол теннис жиҳозлари етказиб берди. Энди корхона бокс рингини ишлаб чиқаришга киришди.

Ҳа, илгари Ўзбекистонга деврли барча спорт инвентарлари хориждан келтирилган

### Қарор ва ижро Тўлиқ МАЪЛУМОТЛАР БЕРИЛДИ

**Куни кеча Шайхонтоҳур туманида кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чоралари» мавзусида семинар-йиғилиш ўтказилди. Мазкур тадбир туман ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси филиали, «Ўзстандарт» агентлиги шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Семинарда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган Инкирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги, давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларнинг ижобий натижаларига алоҳида тўхталиб ўтилди, хизмат кўрсатиш ва касаначилик тобора ривожланиётгани янги иш ўринлари яратилишига салмоқли ҳисса бўлаётгани айтиб ўтилди.

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиги ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодиров «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида»ги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг «Корхона ва ташкилотларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Соҳа мутахассислари тадбиркорларни қизиқтирган, ўйлантирган саволларига атрофчила жавоб қайтарилди, тегишли меъёрий ҳужжатлар юзасидан тўлиқ маълумотлар бериш асосида уларнинг иш фаолиятида асқотадиган адабиётлар, қўлланмалар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди, қатор амалий тақлифлар ҳам киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

## 2010 йил — Баркамол авлод йили ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

**Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш мақсадига йўналтирилган таълим-тарбия ишлари спортни, жумладан, боллар спортини ривожлантириш жараёни билан ўзаро мутаносиб тарзда ва изчил амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгаймоқда.**

Бўлса, бугун улар юртимизда маҳаллий ҳамда давлат таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш» мавзуларидаги маърузалари мазмун-моҳиятини оммага етказиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Куни кеча Миробод тумани фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Ойбек» хусусий дўконда 2000 хилдан ортиқ спорт жиҳозлари хариддорлар эътиборига ҳавола қилинган. Улар орасида юртимизда ишлаб чиқариладиганлари ҳам талайгина. Хусусан, ўлчами ва тайёрланган материалга кўра бокс қопининг 80 хили, боксчи «нок-и», боксчи тулуми, кўкқоплар, муҳофаза қалпоғи сингари анжумларнинг 15 хили юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардир. Шунингдек, кураш, дзюдо, тазкандо, айкёдо, карате сингари спорт турлари формалари, турли йўлдамдаги лапалар, кураш тўшамалари, стол тенниси доскаси, гимнастика халқаси ва таёғи, болалар учун чинкиш на-

рвонлари, шахмат-шашкалар шулар жумласидандир.

Мутахассисларнинг айтишича, ҳозир чинкиш (fitness) жиҳозларига, айниқса, талаб катта. Бироқ хорижда ишлаб чиқарилган ва нархи жуда қimmat тренажер ускуналарини сотиб олишга ҳам қурби етмайди. Ҳолбуки, «Машжим» МЧЖда бундай инвентарнинг бир неча тури ишлаб чиқарилади. Фақат сотувда кам. Демак, спортни омаллаштиришда савдо дўконлари билан спорт инвентарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарур.

— Етти ёшли ўғлим Жаҳонгир боксга жуда қизиқди, — дейди чилонзорлик тадбиркор Бурҳон Мелибоев. — Унга юртимизда ишлаб чиқарилган бокс анжумларини олиб бердим. Хизмат юзасидан Дубайга борганимда битта бокс кўкқопи олиб келганим. Ҳозир таққослаб кўрпакни ўзимизда ишлаб чиқарилган бокс кўкқопи сифат жиҳадан хорижники билан бемалол рақобатлашса олади, нархи эса анча арзон.

Бугунги ёшларга ҳавас қилса арзийди. Илгари спорт билан шугулланиш учун хориждек кенг имконият йўқ эди. Бугун эса энг чекка кишлоқларда ҳам замон талаблари асосида барпо этилган ва жиҳозланган спорт иншоотлари кўзни қувонтиради. Буларнинг барчаси мамлакатимизда буюк келажаки барпо этиш йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсат бераётган ўзига хос самаралардир.

Умид ЁҚУБОВ,  
ЎЗА мухбири

**Айни кунларда жойларда — таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш» мавзуларидаги маърузалари мазмун-моҳиятини оммага етказиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Куни кеча Миробод тумани фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам шу мақсадда ташкил этилди.**

Таъкидлаш жоизки, Истиқлол йилларида Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз олдида қўйган вазифаларини «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясига тўлиқ риоя этган ҳолда изчил амалга ошириб келинмоқда.

Кучли давлат деганда, шубҳасиз, авваламбор ҳуқуқий негизи мустаҳкам, адолатли, демократик тамойиллар қарор топган, демакки одамлар манфаати барча нарсадан устун бўлган мамлакат тушунилади.

Асосий Қомусимизда инсон, унинг манфаати, эрки, ҳақ-ҳуқуқи, миллати, этники, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар энг олий қадрият сифатида эъзозланиши ва қоғозда белгилаб қўйилган. Ўтган йиллар давомида қабул қилинган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар пировардида айнан шу мақсадлар — инсон манфаатларини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган.

Шундай экан, ўз навбатида, кучли давлат унинг фуқаролари, яъни жамиятининг ривож топганлиги билан ўлчанadi. Жамият қанчалик тараққий этса, давлатнинг пайдовери шунчалик мустаҳкам бўлиб бораверади. Жамият тараққиёти фуқароларнинг онг-тафаккури, ҳуқуқий билими, ақл-идрокига боғлиқдир. Инсоннинг дунёқараши, билим савияси кенг бўлса, у ўз манфаати, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши баробарида яқинларига, ўзгаларга ҳам тўғри йўл кўрсата олади.

Манфаатлар бирлашганда эса жамоатчилик фикри шаклланади. Шу тариха жамоатчилик давлат ҳокимиятини тўғри ёки нотўғри ижратиб тургани устида ҳам назорат ўрнатишга қодир бўлади. Жамоатчилик назорати — кучли фуқаролик жамиятининг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари ўзининг кўплаб маърузаларида алоҳида ургу бериб ўтиши беҳиз эмас, албатта. Юртбошимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламентнинг республикамизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиликлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айлинишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур, дея таъкидлаб ўтгани ҳам ушбу масаланинг долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимиз Президентининг таълим ишларини кучайтириш деганда, фуқаролар амалга оширилаётган ислохотлардан қанчалик қўн воқиф

бўлса, уларнинг давлат бошқарувидаги роли шунча ошиб боришини назарда тутати.

Албатта, ҳар бир инсон биринчи ўринга оилани, рўзгор умумларини, иш фаолиятини қўйиши табиий. Бироқ атрофда назар ташлаб, маҳалла-қўй, жамиятдаги ўзгаришлардан бохабар бўлиб яшаш оилала-

моллари — 9,8 фоизга, хизматлар — 22,1 фоизга, экспорт — 18,7 фоизга ошгани мутасадди бўлмаганларини мушоадага чорлаши табиийдир. Бу борада йиғилишда таъкидланганидек, Юртбошимиз ташаббуси билан олдиндан вазиятни пухта таҳлил этган ҳолда, соҳалар ва тармоқ-

ришда парламентнинг фаолияти самарасини янада ошириш даркорлигини алоҳида қайд этди. Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз парламентини янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши лозим. Бу ерда гап авваламбор жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози давом этаётгани хусусида, шу билан бирга хавфсизлик масалалари ҳам долзарбдир. Бу борада айниқса қўшни давлатлардаги мураккаб вазият тинчлигимизга раҳна солиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Йиғилишда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Арслон Эшмуродов Тожикистонда Ругун ГЭСи қурилиши нафақат Ўзбекистонга, балки бошқа яқин давлатларда ҳам юзага келтирилиши мумкин бўлган талафотлар хусусида тўхталиб, кенг жамоатчилик бу борада ўз фикрини билдириши лозимлигини эслатиб ўтди.

Давлат ва жамият қурилишида фуқароларнинг ролини ошириб бориш, бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришни, ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўяётган. Йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлиси Сенати аъзоси Акмал Ақромов, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, Тошкент Давлат шарҳунослик институти кафедра мудири Шоназар Эрматов ушбу масалага

яна бир бор ургу берган ҳолда аниқ мисоллар асосида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Айтиб ўтилганидек, кучли фуқаролик жамияти деганда, бутун тизим ривожланиши, унинг, Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларини бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашуви кўзда тутилиди. Шу нуктага назардан энг фаол, қолаверса етакчи фуқаролик институтларидан бири — маҳалланинг ўрни эътиборга лойиқ. Айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритиши таъминлашда, жойлашган жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасида ушбу ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳосида қандайдир бораётгани алоҳида қайд этилиб, уларни янги босқичга кўтаришда ҳуқуқий негизни тақомиллаштириш масаласи парламентнинг кун тартибидан кўзда тутилганлиги ҳақида ҳам фикр ўртага ташланди.

Йиғилиш якунида ҳокимлик тузилмаларига, маҳаллий Кенгаз депутатларига, ҳар бир бўғиндаги раҳбарларга жойларда тарғибот ишларини янада кучайтириш, аҳоли билан учрашувлар давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий йўналишларда белгиланган янги вазифалар бажарилиши жараёнида ишлар билан барча жаҳалларда эришилаётган натижалар ҳақида таништириб бориш, бу борада биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш лозимлиги қайд этилди.

Ильмира  
ЗАЙНУДИНОВА



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ЁШЛАР КЎМАКЧИСИ

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг пухта билим олиши учун яратилган шарт-шароит, замонавий таълим масканлари ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағмага синининг «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошида ташкил этилган Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказида фаолият юритаётган ҳуқуқшунос, психолог, менежер каби мутахассислар йиғит-қизларни иш билан таъминлашга кўмаклаштиради.

— Мутахассислик дипломига эга ёшларнинг ишга жойлашиши ва янги жамоада кўниқишига кўмаклашиш марказимизнинг асосий вазифасидир, — дейди ЎЗА мухбирига Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази директори Орифжон Назаров. — Мамлакатимизда ҳар йили олтинчи мингга яқин йиғит-қиз мутахассислик дипломинини олади. Марказ томонидан 2009 йилда икки юзга яқин, жорий йилнинг ўтган даврида эллиқдан зиёд ёш мутахассис иш билан таъминланди.

Марказ ходимлари нафақат ёш мутахассисга, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам яқин алоқа ўрнатган. Кенг жамоатчилик орасида турли сўровлар ўтказилиб, интернетда мулоқотлар уюштирил, оммавий ахборот воситалари орқали касб танлашга оид қизиқарли тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилган. Марказ олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар билан мунтазам ҳамкорлик қилади.

Бу ерда иш излаб келган ёш мутахассисга марказ ходимлари бўш иш ўринлари ҳақидаги ахборотларни тақдим этади. Ёшлар ўзлари хоҳлаган ишга жойлашганларидан сўнг, улар янги жамоага мослашишда ҳар томонлама ёрдам бериб борилади. Бу борада ташкил этилаётган семинар-тренинглар, ўқув ва амалий машғулотлар ёшларнинг меҳнат қоидалари ва касб маҳоратини оширишга доир тасаввурини янада бойитишга хизмат қилимоқда. Меҳнат ярмаркалари, очик эшиклар куни сингари тадбирларда ёшларга бўш иш ўринлари тақдим этилмоқда.

— Тошкент ахборот технологиялари университетини битирганидан кейин марказ ходимларининг тавсияси ва маслаҳати билан МТС-Ўзбекистон мобил компаниясида менежер лавозимида иш бошладим, — дейди Руслан Султонов. — Ишга синов муддати билан қабул қилиндим. Синов муддати жараёнида ва жамоада кўниқиб кетганимга қадар марказ ходимлари менга яқиндан ёрдам ва маслаҳат бериб турди. Фаолиятимни бошлаганимга бир йилдан ошди.

Очиқ акциядорлик тижорат «Кредит-стандарт» банкининг ҳисоб операцияларини бўлимида фаолият юритаётган Нилуфар Шарипова ҳам марказ тавсияси билан ишга қабул қилинган.

— Тошкент Молия институтининг кредит-иқтисод факультетини таҳсил олаётганимда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағмага синининг томонидан ўтказилаётган таълим грантлари ва иқтидорли талабалар учун стипендиялар сингари лойиҳаларда мунтазам иштирок этардим, — дейди Н.Шарипова. — Олий ўқув юртини тамомлаганидан сўнг марказ кўмағи асосида ишга жойлашдим.

Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Гўзал САТТОВА

## ТАБИАТ ВА ИНСОН

**Миробод туманидаги 294-мактабда биология, физика ва кимё фани ойлигининг якуни муносабати билан «Табиат ва биз» мавзусида фестивал бўлиб ўтди.**

Халқ таълими бош бошқармаси ва туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ҳудуддаги барча мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Фестивал доирасида мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари асфалтга расм чизиш, деворий газеталар тайёрлаш, табиат манзаралари акс эттирилган буклетлар ясаш борасида беллашилди. Юқори синф ўқувчилари кимё ва физика фанлари бўйича мактабда ўзлаштирган билимларини синовдан ўтказишди, биология фанидан лаборатория ишларини бажаришди.

Ўқувчилардан ташқари, уларнинг устозлари ҳам «Энг қизиқарли очик дарс», «Энг яхши методик тавсия», «Энг яхши дарс ишланмаси» номинациялари бўйича иқтидорларини намойиш қилишди.

— Мактаб ёшидан бошлаб, ўқувчиларни атроф-муҳитни асраб-авайлашга ўргатиш табиатга бўлган меҳрни оширади, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига 83-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Светлана Валерина. — Ҳар бир дарсда ўқувчиларга табиат жониворларини асраш, ўз маҳалласи ва турар жойи ҳудудини ободонлаштириш учун дарак, турли гул кўчатларини ўтказиб боришларини тавсия этаман. Фестивалда «Энг яхши очик дарс» номинацияси бўйича янги технологиялар асосида тайёрлаб келган «Баркамол авлод ва экология» мавзусидаги дарсини тақдим этдим. Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида слайд ва ўқувчилар учун янги тавсиялар ишлаб чиқдик.

Азима ҚИЁСОВА

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент ислом университетида «Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизацияси ривожига ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, парламент куйи палатасининг Демократик институти, наоҳавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Тошкент ислом университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, тарихчи олимлар, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У.Мухаммадиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институти, наоҳавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жаҳон цивилизацияси ривожига бекиб ҳисса қўлган Соҳибқирон Амир Темур ва теурийларнинг бой маънавий меросини тиклаш, авлодларга етказиш ва тарғиб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Амир Темур ва теурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаши умумжаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшди. Франция, Буюк Британия, Германия сингари Фарб мамлакатларида Амир Темур шахсига қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги қайд этилди.

Конференцияда таъкидланганидек, Амир Темур ва теурийлар даврининг бой маънавий қадриятлари дунё олимлари томонидан самарали илмий тадқиқ этилмоқда. Хусусан, япон тадқиқотчилари томонидан Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида кўплаб монография ҳамда китоблар нашр қилинган. Уларда Амир Темурнинг давлат барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маъмурий тизим, ҳарбий юришлар, дипломатия, дин, фан, маданият ва санъат соҳасидаги кўп қиррали фаолияти кенг тадқиқ этилган.

Тадбир сўнгида Ўзбек Миллий академик драма театри артистлари ижросида «Соҳибқирон» спектакли ва Тошкент ислом университети талабалари томонидан «Темур тузуқлари» асарига асосида тайёрланган сахна кўринишлари намойиш этилди.



Бугун — Бугунжаҳон саломатлиги кун



## ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ўзгаришлар ва янгиланишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Аҳоли, айниқса она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратилаётганлиги диққатга сазовордир.

Бугунги кунда кўплаб замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган шифо масканлари, оилавий поликлиникалар, касалхоналар аҳоли саломатлигини сақлаш, сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши бу соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва маънавий баркамол авлодни воқға етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижроси йўлида тиббиёт масканларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ишлари ҳамза туманидаги 27-оилавий поликлиника фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда.

— Бугунги кунда поликли-

никада «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида қамрови кенг ишлар олиб боришмоқда, — дейди поликлиника бош шифокори Шоира Пўлатова. — Аввало оиланинг мустаҳкам бўлиши она ва боланинг саломатлигига узвий боғлиқдир. Она соғлом бўлсагина, ундан жисмонан ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд туғилади. Шунинг учун қизларимизнинг ўсмирлик даври репродуктив саломатлигига катта аҳамият бериш зарур. Поликлиникамизда бу борада махсус штаб ташкил этилиб, ҳудудимизда истиқомат қилувчи барча ўсмир қизлар, аёллар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида 4,2 мингдан зиёд аёлни кўриқдан ўтказишга муваффақ бўлдиқ. Аниқланган касалликлар бўйича, амбулатор ва стационар муолажалар ўтказилди. Тугма ногиронлиқнинг олдини олиш она бўлиш арафасидаги 60 нафар аёл шахар скрининг маркази текширувига юборилди. Репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида маҳаллаларда, мактаб, коллеж ва лицейларда мутахассислар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Поликлиникада айни кунда клиник лаборато-

рия, ЭКГ, рентген, УЗИ, физиотерапия, гинекология хоналари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, соғлом бола хонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда ёш оналар учун «Оналар мактаби» мавзусида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Поликлиникада ойнинг биринчи ҳафтаси диспансеризация ҳафталиги деб эълон қилинган. Шифокорлар онанинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилишини таъминлаш мақсадида оилаларга кириб, тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Яқинда тиббиёт ходимлари иштирокида «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида ўтказилган кўрик-танловда ушбу мавзу бўйича намойиш қилинган сахна кўринишлари кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Соғлом авлод — соғлом келажақ демакдир. Юртимиз келажаги бўлган ёш авлоднинг соғлом ва жисмонан бақувват, ақдан етук инсон бўлиб етишишларида тиббиёт ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: 27-оилавий поликлиника фаолиятдан лавҳалар

## ЯПОНИЯДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Япониянинг «Маданият ва санъат халқаро маркази» уюшмаси Токио шаҳрида мамлакатимизнинг кун чиқар юртдаги элчихонаси кўмагида Наврўз байрами арафасида Ўзбекистоннинг тақдимот маросимини ўтказди.

Тадбир меҳмонлари Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларининг сайёҳлик салоҳияти ва тарихий қадимликлари, шунингдек, Сурхондарё вилоятида топилган буддавийлик динига оид ёдгорликларга бағишланган ҳужжатли фильмларни томоша қилишди. Улар, шунингдек, ўзбек заминидан нишонланадиган Наврўз байрамининг тарихи ва аънаналари билан таънишди, миллий пазандчилигимиз намуналаридан татиб кўришди.

Уюшманинг бош котиби Теруми Капая «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида мазкур тақдимот ўз навбатида Наврўздек гўзал ва қувноқ байрам кунларида Ўзбекистонга, унинг тарихи, маданияти ва аънаналарига сайёҳат вазифасини ўтаганини таъкидлади.

Япониядаги «Sophia» туристик компанияси президенти Сатору Кавасаки ўзининг байрам табригини Ўзбекистон халқига етказишларини сўради.

— Японияликларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари жуда юқори, шунинг учун ҳам компания Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларини фаол тарзда оммалаштириб келмоқда. Компания япониялик таниқли археолог олим, Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени соҳиби Кюдзо Като билан ватандошларимизда катта қизиқиш уйғотадиган ўзбек заминидан буддавийлик динига оид ёдгорликларни бориб кўришга йўналтирилган туризмининг ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилади. Биз тақлиф қилаётган йўналишнинг ҳақиқатан ҳам қизиқарли эканлигига яқинда Токио ва Нара шаҳарларида Ўзбекистондаги буддавийлик динига оид ёдгорликлар бўйича ўтказилган симпозиумлар мисол бўла олади.

Мазкур тадбир Япония оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди. Ушбу мамлакатнинг йирик умуммиллий нашрларидан бири — «Асахи» газетасида Ўзбекистонга бағишланган тақдимот ва Наврўз байрами ҳақида «Ўзбек ошхонаси халқларни яқинлаштириди» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Ушбу маросим ҳақида батафсил ҳикоя қилинган мақола «Санкей Шинбун» газетасининг интернет порталига жойлаштирилди.

«Жаҳон» АА,  
Токио

## СОҒИБҚИРОН МЕРОСИ ВА ЁШЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Амир Темур ва теурийлар маънавий меросини ўрганишга бағишланган ҳафталик бошланди.

10 апрелгача давом этадиган тадбирлар доирасида олимлар, тарихчилар, маънавий тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида қизиқарли учрашувлар, жонли мулоқотлар ҳамда илмий анжуманлар бўлиб ўтади. «Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусида интеллектуал беллашувлар, викториналар ўқувчи-ёшларнинг билиминини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳафталик Соҳибқирон Амир Темур ва теурийларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига ўрнига бағишланган китоблар кўргазмаси билан бошланди.

(ЎЗА)

## Атроф-муҳит муҳофазаси йўлида

### ЭКОЛОГИК ҲАШАР

Инсон табиатнинг энг улугъ неъматидир. Табиат инсон учун ўзининг бор бойлиқларини инъом этади. Бу беминнат ҳада инсонга ҳаёт бағишлайди. Шундай экан, ҳаётимизнинг гўзал, осуда бўлиши учун атроф-муҳитга бўлган муносабатимиз катта аҳамиятга эгадир.

Чирчиқ шаҳри пойтахтимизга туташ бўлган хушманзара гўшалар қаторига қаради. Ушбу шахарда ҳам тева-рак-атрофни обод қилиш, боғ-роғларга айлантириш ишларига катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, кун кеча Чирчиқ — Ғазалкент трассаси, Саноят касб-ҳунар коллежидан 8-кичиқ ҳалқа йўли бўйлаб экологик ҳашар ўтказилди.

«Хумо», «Чинор», «Семурғ» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан ташкил этилган ҳашарда 1500 нафардан зиёд чирчиқликлар қатнашди. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ишчи гуруҳидан маълум қилишларича, тўрт кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан чангалзорга айланиб ётган майдон ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, қадамжолар обод қилинди.

Шаҳар транспорт корхоналарига ноб эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳамда уларнинг транспорт воситаларини таъмирлаш билан «Транс-снаб» маъсуляти чекланган жамияти бевосита шуғулланиб келмоқда.

Шу билан бирга электр таъминоти муассасаларига ва темир йўл корхоналарига турли хил техника воситаларини етказиб беришда ҳам бу жамоа

— Табиатни севиш, ундан баҳраманд бўлишдан ташқари, умримизни узайтирадиган шу табиатнинг бир бўлаги эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак. Экологик ҳашар маҳалламизда нафақат ободончилик, саранжом-саришталик тадбири сифатида, балки ғамхўрлик, меҳр-оқибат байрамига ҳам айланиб кетди, — дейди «Чинор» маҳалласи оқсоқоли Баҳодир Тошпўлатов. — Шу кунги маҳалладошларимиз ҳамжиҳатлигида йиллар давомида чангалзор бўлиб ётган майдонда боғ яратилди.

Ҳашар инсонларо меҳр-оқибат ришталарини, айниқса, ёшлар қалбида маҳалла-қўйга, она Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашга яна бир омил бўлди. Баркамол авлод



йилида ўтказилган ушбу тадбирда айниқса Саноят касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ариқларни тозалаш, дарахларни буташ, гулзорлар учун ер майдонларини тайёрлаш ишларида фаол иштирок этишди ва «Энг хурматга сазовор ҳашарчилар» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

Шаҳарда ҳашарлар давом этмоқда.

Салима ҲАСАН қизи

Ўтган йили трамвай деполарига қарашли 16 та вагоннинг бандажлари таъмирланиб, бир неча насослар ишлаб чиқарилди.

Жамият жорий йил учун трамвай деполари билан 50 миллион сўмлик шартнома тузди. Вагон таъмирлаш заводи билан эса 150 миллион сўмлик келишув асосида янги цехлар очиб қўзда тутилди.

Нодирбек ШОМУРОВ

## ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ ИЗҲОРИ

Қарши шаҳридаги ҳарбий қисмда аскарларнинг тантанали қасамд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи кўмондонлиги штабининг офицерлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий, ихчам ва профессионал армияни шакллантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Айни мақсадда ҳарбий хизматга қақиривчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, аскарликка ҳар томонлама пухта тайёрларлик кўриқ, салоҳияти ёшларни саралаб олиш тизими шакллантирилди. Бугунга қелиб Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ёшларининг учун чинакам шон-шараф ишига айланди. Энига ҳарбий либос кийган, кўзларида ғайрат-шижоат чакнаб турган фарзандининг аждодларимизга муносиб ворис бўлишига, шу муқаддас заминни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ваъда бериб, қасамд қабул қилаётганидан ота-оналарнинг қувончи чексиз.

— Бугун ўғлим ўз сафдошлари қаторида ҳарбий қасамд қабул қилди, — дейди УЗА муҳбирига Тошкент шаҳридан Қўлайсин Исмолова. — Бундан қалбим фаях ва гурурга тўлди. Ўғлонларимизнинг ўз қасамедларига содиқ қолишига, ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, ишончимизни оқшатишига ишонамиз.

Тадбирда аскарлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида сидқидилдан хизмат қилиб, ўз Ватани ва халқига доимо содиқ бўлишга қасамд қилдилар. Тантанали қасамд қабул қилган ўғлонларга ҳарбий гувоҳнома топширилди.

А.МУҲАММАДИЕВ

## Таълим

### МУСТАҲКАМ БИЛИМ НЕГИЗИ

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ҳузуридаги Миробод академик лицейи намунали билим ўчоқларидан бири сифатида яхши танилган. Бу ерда ўқитилаётган физика фани машғулотлари эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ижобий баҳоланди.

Ёшлар тажрибали педагог Лаълихон Пўлатова қўлида пухта билим олиб, физика фанида ҳам ўз иқтидорларини намойён этмоқдалар.

Ўқитувчи ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида физикага доир қатор йирик изланишларни олиб борди. 60 дан ортик илмий ва илмий-педагогик ишланмалари чоп этилди.

Устознинг ташаббуси билан лицейнинг Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Қўёш» илмий бирлашмаси, Физика-техника институти каби бир неча илмий муассасалар ўртасидаги алоқалари йўлга қўйилди. Амалий ўқув машғулотларини олиб бориш учун йирик физик олимлар тақлиф этилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

### МАХСУС СТИПЕНДИЯ СОҒИБЛАРИ

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш йўлида касаба уюшмалари ҳам хайрли ишларга бош қўшишмоқда.

Соғлиқни сақлаш бўйича касаба уюшмалари марказий кенгаши томонидан, тиббиёт ўқув юрталарида таҳсил олаётган талаба-ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга асосий эътибор берилмоқда.

Аъло хулқ, пухта билим эгалари бўлган иқтидорли талабалар учун касаба уюшмаси стипендиясининг таъсис этилиши айни муддао бўлди.

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти талабаларидан бир неча нафари бундай имтиёзни қўлга киритадиган бўлди. Олий ўқув юртининг иккинчи босқич талабаси Марғула Исмолова ҳам марказий кенгаз эътиборини ўзига тортиди.

Йил давомида касаба уюшмаси стипендиялари соҳиблари сони янада ортади.

Ақбар АЛИЕВ



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ОРИФЛАР ИЛМИ ҲАҚИДА

Ҳотами мулки Сулаймон илмдур,  
Барча олам суврату жон илмдур.

Руҳи одам илмдин қувват олур,  
Илмсизни руҳи беқувват бўлур.

Жондин ҳам ортуқдур илму маърифат,  
Маърифат йўқ бўлса бўлғай ҳар сифат.

Эй биродар, илмлик бино дурур,  
Маърифат йўқ бўлса нобино дурур.

Ҳар кишига Тангри гар инъом этар,  
Маърифат илмин анга илҳом этар.

Қилса Ҳақ ҳар кимга бу илмин ато,  
Дам-бадам келгай анга андин нидо.

Ҳар темур бўлган билан олмос эмас,  
Ҳар киши бўлган билан ул хос эмас.

Айтай, эй толиб, санга чандон суҳан,  
Маърифатсиз жисмдур жонсиз бадан.

## МЕҲМОННИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Эй ўғул, тан-жонга меҳмонхонадур,  
Бўлмаса меҳмон бу уй вайронадур.

Бўлса меҳмон уйда маъмурлик бўлур,  
Кетса меҳмон уйда ранжурлик бўлур.

Неча тун-кун танда жон меҳмон эрур,  
Ушбу уй ҳам охири вайрон эрур.

Ҳар нима оламда Ҳақ пайдо қилур,  
Ушбу меҳмон ваҳидин пайдо қилур,

Бил бу меҳмон қадрин, эй Абдул Азиз,  
Токи меҳмон уйдадур, тутғил азиз.

Англа бу маънини, эй марди ғариб,  
Кетса ул меҳмон яна келмиш ёниб.

Ушбу уйдин бир куни меҳмон кетар,  
Барча афродинг у кун афгон кетар.

Қўб пушаймон қилмағай ул кунда суд,  
Қил тилим меҳмон кетмасдан сужуд.

Ҳар ҳаёлу фикрлар меҳмон эрур,  
Ушбу меҳмонга кўнгул айвон эрур.

Ҳар кўнгул ҳар фикрдан холий эмас,  
Ул сабабдин мартаба олий эмас.

Фикри ботил кирса гар кўнгулун аро,  
Бўлғонидур ул кўнгул тахт ас-саро.

Кирса меҳмон уйга истифсор қил,  
Некка шукр, бадга истиғфор қил.

Эй биродар, умр бир ҳамён зар,  
Бўлмағил зинҳор андин беҳабар.

Ҳар нафаским, чиққани ҳар дам-бадам,  
Гўйиё чиқмишдур ҳамёндин дирам.

Ул дирам ҳар дам бу ҳамёндин чиқар,  
Ул киши охир бу даврондин чиқар.

Эй жувони абр, эй бобойи барф,  
Қилма ҳаргиз фонага ул зарни сарф.

Ҳар кишиким, бўлса гар сихҳат бадан,  
Умри они гўйиё боғу чаман.

Ер ҳусулдин қолса бўлғай шўрлуқ,  
Қўрлуқга ҳеч киши сочмас уруқ.

Бўлса боғ ичра дарахти бесамар,  
Боғбон қилгай ани зеру забар.

Маркаб оқсоқ, кун кечаву йўл узун,  
Турғали ер йўқ, на ётмоққа ўрун.

Йил ахир бўлди зироатинг қани?  
Умрун охир бўлди тоатинг қани?

Суд қилмас атласу кимхोलаринг,  
Бор дурур маҳшарда қўб додхोलаринг.

(Давоми бор)  
Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва  
Мавжуда РАЗЗОҚОВА  
тайёрлаган

2010 йил — Баркамол авлод йили

## ФАРЗАНД — ДИЛГА ПАЙВАНД

**Одобли, ақлли, билимдон, меҳнатсевар фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг катта бойлигидир. Болаларнинг тарбиясида, кундалик ҳаётида ўйинчоқларнинг ўрни бениҳоя катта.**

Ўйинчоқлар ўйнашлари учун ҳаракат қилмоқда. Миллий кўғирчоқларимизда ор-номус, ибодат, ҳаёти хислатлар мавжуд. Уларда соддалик, беғуборлик акс этиб турибди. Кўғирчоқлар ўзларининг кўйлақларининг кенглиги, дўпписининг чиройлилиги, сочларининг узунлиги билан болаларни ўзига жалб этади ва ҳавас уйғотади.

Табиий нарсалардан яса-ладиган кўғирчоқлар болаларнинг ижодкорлигини оширади, диққатини ўстира-

ди, хотирасини мустаҳкам-лайди, жамоада бирга ўйнаш, ўз ўйинчоғини ўртоғига совға қилиш, ясаган ўйинчоғига меҳр билан қараш каби ижобий одатларни шакллантиради. Жонкуяр педагогларимиз Зухра Умарова, Умида Мирмаҳмудова, Маҳфуза Сайдалиева, Татьяна Микалюк, Марина Степанянцлар табиий мато ва буюмлардан болажонлар билан бирга турли ўйинчоқлар тайёрлайди. Ушбу ўйинчоқлар муассасамизда ташкил этилган «Асалтой»

кўғирчоқ театрини бойитиб келмоқда. Ёшлиқ даврида ўйналган севимли ўйинчоқ эса бола қалбига бир умр сақланиб қолади.

Дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган жажжи фарзандларимизнинг кизиқиши ва ҳиссиётларига мос кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш давр талаби бўлиб қолганини ҳам унутмаслигимиз керак.

**МУҲТАБАР АЛИМТАЕВА,**  
301-мактабгача таълим муассасаси мудираси

## Янги лойиҳалар

### «КАМОЛОТ БОҒИ» ЯРАТИЛДИ

**«Баркамол авлод йили»**  
Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш, ёш авлод манфаатларини таъминлаш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини кўнгул ва мазмунли ўтказиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида «Қадрият, урф-одат ва ёшлар» лойиҳаси ўтказилди.


Лойиҳа доирасида ташкил этилган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар», «Варрақлар сайли» ва «Миллий халқ ўйинлари» фестиваллари ёшлар ва барча иштирокчиларга бирдек маъқул бўлиб, улар томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Ҳалилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бундан ташқари, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, баҳор мавсумида ободонлаштириш ва кўкчалар-лаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида «Камолот»нинг туман бўлими ҳудудида ҳашар йўли билан «Камолот боғи» ташкил қилинди.

Ҳашарда «Камолот» етакчилари ва «Камалок» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши аъзолари фаол иштирок этиб, турли мевали, манзарали дарахтлар ва гул қўчатлари экишти, боғ атрофи ҳам ободонлаштирилди.

**ШУХРАТ КОМИЛОВ,**  
«Камолот» ЁИҲ Юнусобод тумани бўлими раиси



Ўзбекистон Маданият ва санъат кўرғазмалар залида Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган ҳаваскор фотосуратчиларнинг кўрғазмаси доирасида «Энг изланувчан ижодкор», «Энг яхши гоёя», «Энг яхши маҳорат», «Издос ижодкор», «Энг яхши экспозиция» сингари номинациялар бўйича совриндорлар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**СУРАТЛАРДА:** кўрғазмадан лавҳалар.  
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

## Мусобақалар

### ҚИЗГИН КУРАШЛАРГА БОЙ

**Собир Раҳимов туманидаги 10-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби ўқувчилари ўртасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида спорт акробатикаси бўйича мусобақалар ташкил этилди. Унда 50 нафар ўқувчи қатнашди.**

23-«Мусаффо булоқ» болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали соврини учун 6 ёшдан 12 ёшгача қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича ўтказилган мусобақа ҳам юқоридаги ҳамкорлар бошчилигида уюштирилиб, унда 40 га яқин ўқувчи беллашди.

Тумандаги 100, 102, 106-маҳсус мактаб-интернатлар ўқувчилари ўртасида спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси, мини футбол, арқон тортиш,

армрестлинг, пауэрлифтинг, эстафета турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда 200 га яқин ўқувчи қатнашди.

Мусобақалар қизгин курашларга бой тарзда ўтгани билан барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Ҳалилар совриндорлар ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**РУСТАМ КАМОЛОВ,**  
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Собир Раҳимов тумани бош мутахассиси

## ҲАНГОМАЛАР

Москвада гастролга келган бир труппа «Тарас Бульба»ни намойиш этаётганди.

Тарас ўз ўғлини ўлдирадиган саҳнада Бульба ролини ўйнаётган актёр елкасидаги нимагадир илашиб қолган милтигини ололмай анча овора бўлади. «Шошма, Андрей, мен ҳозир сени ўлдирман» дея мингирлаб, аранг милтигини олади. Кейин Бульба «Сени ўзим дунёга келтирганман, ўзим ўлдирман» дея милтиқ тепкисини босади. Аммо милтиқ отилмайди. Актёр бир неча марта хуноб бўлиб тепкинни босади, барибир отилмайди.

Шунда томошабинлардан бири актёрга раҳми келиб, милтиқ отилганига ишора тарзида таёқ билан полга тарақлатиб бир уради. Аммо бу лаҳзада Бульба ўғлининг бошини қилич билан кесиб бўлганди.

Машҳур артист ва режиссёр Н. Милославский Шиллернинг «Қароқчилар» трагедиясидаги ўлим тўшағида ётган Моор ролини ўйнаётган эди. Шу боис жуда паст овозда гапирётганди. Залдаги томошабинлардан бири «Баландроқ!» деб қичқирди.

Шунда Милославский бор овози билан жавоб қилади:

— Моор ўляпти, баландроқ гапиролмайди!  
**Шодмон ОТАБЕК тайёрлади**

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба

ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-ракам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3973 нусхада босилди.

Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер

марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шаҳр» нашрий-матбоси акциядорлик компанияси

босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.